

Гулбаҳор ЮЛДОШЕВА

**ҚАЛБИМ
БАҲОРИ**

Қарши
“Насаф” нашриёти
2006

84(54)6-5

Қалб ҳамиша ўз баҳори билан тирик. Унинг чақин-гулдураклари, туйғулари ифори, феруза осмони, мусаффо ҳавоси бор. У шу баҳори билан латифдир. Гулбаҳор Юлдошеванинг ушбу тўпламдаги битикларида туйғулар эҳтироси акс этган.

MATLIB.UZ

Ю32955
091

Ю 4702620202-34 34-2006 Г.Юлдошева, 2006 й
376(06)2006

ISBN 5-7323-0511-8

20.07	Alisher Navoiy nomidagi
A964	O'zbekiston Mk

ЎЗБЕК ИЙМОНИ

Мен ўзбек фарзанди, қизиман дилбар,
Томиримда оқар аждодлар қони.
Бобо, момоларим буюк, мўътабар,
Қалбимда уйғоқдир ўзбек иймони.

Соҳибқирон бобом юртимга кўрғон,
Тўмарис момомдир тилларда дoston.
Улуғбек бобом битди Зижжи кўрагон,
Қалбимда уйғоқдир ўзбек иймони.

Ўзбек болалари бугун ғолибдир,
Курашларда ҳалол ютуқ олибдир.
Байроғин кўтариб доврўғ солибдир,
Қалбимда уйғоқдир ўзбек иймони.

Оллоҳ назар солган буюк юртим бор,
Ўзбекистон, дея этгум ифтихор.
Осмони ҳамиша бўлсин беғубор,
Қалбимда уйғоқдир ўзбек иймони.

МУҲАББАТ

Бир туйғу инсонлар қалбин забт этар,
Унинг номи муҳаббат, ишқ деб аталар.
Кўнгилга гўёки баҳордек келиб,
Инсон туйғуларин қуршовга олар.

Муҳаббатин англаб етолмас ҳар ким,
Қадрини қаричлаб ўлчолмас ҳеч ким.
Оллоҳ инъом этар севганига фақат,
Муҳаббат фарқини билолмас ҳар ким.

Ҳатто муҳаббатдан туғилади шеър,
Ҳатто муҳаббатдан уйғонар меҳр.
Муҳаббат барчага берилмас бирдай,
Муҳаббат борича мўъжиза, сеҳр.

Муҳаббатсиз инсон қанотсиз қушдир,
Муҳаббатсиз ҳаёт заъфарон тушдир.
Муҳаббатсиз инсон юксала олмас,
Муҳаббатсиз яшаш тўла ташвишдир.

Муҳаббатга содиқлик ошиқлар иши,
Ошиқлар бариси сиз, биздек киши.
Оллоҳим қалбларга муҳаббат берсин,
Муҳаббати бор қалб меҳрли киши.

МУҚАДДАС АЁЛ

Оллоҳимнинг буюк мўъжизаси сен,
Аёл, сен муқаддас, мўътабар она.
Барча ташвишларни бўйнига олиб,
Азобу дардларин яширган она.

Фарзандлари учун елиб югурган,
Ухламай кечаси аллалар айтган.
Ғамга ботганда ҳам бир оҳ этмаган,
Аёл, сен муқаддас, мўътабар она.

Сенга тан бергандир фаришталар ҳам,
Сенга сажда қилган бутун коинот.
Сендан туғилгандир пайғамбарлар ҳам,
Сен ўзинг мўътабар, ажиб бир нажот.

Аёлларга атаб куйлар битса кам,
Аёлларга атаб шеърлар ёзса кам.
Аёлларга атаб тахтлар қурса кам,
Аёл учун фақат меҳр кифоя.

Аёл борки, дунё кўркам, гўзалдир,
Аёл борки, дунё тўла ҳавасга.
Аёлларни йиғлатмоқлик гуноҳдир,
Меҳр беринг аёлга ҳар нафасда.

НАҚШБАНДИЙ

Ўрганмоқ истадим Нақшбандийни,
У қолдирган ўгиту, панд-насихат.
Ибрат олгим келди ҳар бир сўзидан,
Кўп маъно изладим айтган сўзидан.

Бухорода униб ўсган Нақшбанд,
Илм ўрганмоққа бўлган доим банд.
Ҳар бир айтган сўзи гўё асал-қанд,
Шогирдлар орттирган дунёда тирбанд.

БОБОМ МАШРАБ

Машраб бобом, сиз тарихда қолдингиз,
Оллоҳ ёдин мудом дилга солдингиз.
Мол-дунёнинг ҳавасини қилмасдан,
Кўнгиллардан мангуга жой олдингиз.

Фазалингиз ўқиб кўзга ёш келар,
Ёмонлик қалбимни қиличдек тилар.
Сиздек Оллоҳ ошиғи бўлгим келар,
Бу ҳавасдан вужудим ёришиб кетар.

Фазалингиз юракларга ўт солар,
Гар унутсам туйғуларим дод солар.
Оллоҳ ишқин юрагимга солдингиз,
Энди мендан ишқ қолади, ишқ қолар.

АЖИБ ДУНЁ

Ўкинмагин қалбим, дунё шунақа,
Яхши қолиб, ёмон ўтади тўрга.
Бошин силашади ёвни, ганимни,
Эзгуликни кўмиб қабрга, гўрга.

Юрган йўлларингдан огоҳ бўл ҳар дам,
Душман чўп тикмасин ноҳақ кўзингга.
Умидвор бўлмагин ўзгалардан ҳеч,
Ишонолгин қалбингга, ишон ўзингга.

Ваъда этсалар гар олам шодлигин,
Хурсанд бўлиб кўкка ўзинг отмагин.
Қулоқ сол доимо қалбинг сўзига,
Ғафлат уйқусида ухлаб ётмагин.

Сергак бўл, ҳушёр бўл ҳар бир қадамда,
Маккорлар ногаҳон алдаб қўймасин.
Қордек зриб кетма ширин сўзларга,
Шайтон сени сира мағлуб кўрмасин.

ЗУЛФИЯХОНИМ ХОТИРАСИГА

Ўзбек аёлининг гўзал тимсоли,
Қалбларда акс этган янгроқ овозсиз.
Ҳамид Олимжоннинг вафоли ёри,
Қизларга ҳар ишда мудом устозсиз.

Бугунги танлов ҳам номингиз бирла,
Аталиб нигоҳлар қарамокда шод.
Зулфия қизлари сахнадан туриб,
Бугун исмингизни этмокдадир ёд.

Шеърият ғунчаси бўлган ҳар бир қиз,
Ўхшамок истайди шоирам, сизга.
Нурафшон йўллардан мағрур борурмиз,
Кўкдан омад тилаб турингиз бизга.

ҚАЛАМИМ

Туғилганда баъзан қалбда аламим,
Шеърдан ўчин олар ўткир қаламим.
Илҳом-ла битганда шеъру байтларим,
Дардкашимдир фақат ёлғиз қаламим.

Йўқолур шеър ила юракдан дардим,
Шеърим ила арир қалбдаги ғамим.
Исён қилганида бор туйғуларим,
Ёлғиз қалам эрур дардкашим маним.

Қоронғу тунларда бўлган ҳамроҳим,
Ҳар битта кунимга бўлган гувоҳим.
Шеърят боғидан олганда баҳра,
Далда бўлур менга ёлғиз қаламим.

Кўнглим ранжитганда яқин билганим,
Унсиз йиғлар баъзан оғриган қалбим.
Сатрга тўқаман бор аламларим,
Доимо ҳамроҳдир фақат қаламим.

ҚАЛБИМНИНГ БАҲОРИ

Қалбимнинг баҳори, ёзи ҳам ўзинг,
Куйларим навоси, сози ҳам ўзинг.
Билсанг агар сенга аталур шеърим,
Ишон, қалбим ёри, дилдори ўзинг.

Сен берурсан баъзан шеъримга илҳом,
Тутурсан қўлимга меҳр тўла жом.
Юрагимнинг мангу дардлари ўзинг,
Хаёлимда яшайсан кундузу оқшом.

ОЙИЖОНИМГА

Ойижоним менинг жону жаҳоним,
Яхши-ёмон кунимда сиз суянчигим.
Бошга кўтарсам ҳам оз эрур сизни,
Кўз қорачиғингиздек асрайсиз бизни.

Ногаҳон бир жойдан кеч қолсак,
Термуласиз йўлимизга бўлиб интизор.
Оқ ювиб тарагансиз ўзингиз бизни,
Аллалар айтгансиз тунлари бедор.

Дуолар қиларсиз йўлга чиққанда,
Болам, сени Оллоҳ асрасин, дея.
Ёмон кўзлардан асрасин дея,
Оқ фотиҳа тилаб қоласиз ордан.

Берган оқ сутингиз оқларман ҳали,
Орзуларим ушалар менинг ҳам бир кун.
Ўшанда пойингиз тавоф этгали,
Ўзимни бағишлай, онажон, бутун.

СОҒИНЧ

Юрагим типирчилар уй томон ҳар дам,
Кўзларимга ёшлар келар дам-бадам.
Бу ёшлар аслида соғинч ёшлари,
Деразамга термулгунча қарайман ҳар дам.

Қаердасан менинг гўзал Бешкентим,
Ўтган беғубор ёшлик, уй, ҳовлим.
Теграмда ўйнаган укажонларим,
Ҳаётга йўлланма берган ота, онажоним.

Билсангиз сизларни соғиндим жуда,
Ҳеч бир сўз таърифу тавсиф этолмас.
Тошкент уйим тупроғин ўрнин босолмас,
Ҳеч қандай куч мени бошқара олмас.

Ишонинг сўзимга ота-онажон,
Минг узр, сизларни ранжитган бўлсам.
Ёнимда бўлсангиз берардим борим,
Бир муддат бўлсада меҳр туярдим.

Онажон, сўзингиз ёдимда мудом,
Дадажон, соғиндим, айрилиқ ёмон.
Укажон, сизларни қўмсаб тун, оқшом,
Қанот қоқиб учсам дейман сиз томон.

ОНА СУТИ

Инсонга сут ила киради меҳр,
Билсанг сутда бордир илоҳий сеҳр.
Она сутин эмган гўдақдир тетик,
Ўша сут кучига битилган битик.

Дармон дорилар ҳам сутдадир бисёр,
Углеводдан тортиб фермент, ёғлар бор.
Она сути эрур табиий мадор,
Гўдакка озик шу, шартмас шифокор.

Тетикдир, бақувват ҳамда меҳрли,
Соғломдир онани эмган гўдаклар.
Бир эмас икки, уч ёшгача эмсин,
Оналарга шудир эзгу тилаклар.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

Бир боғда учратдим турфа хил ҳолат,
Чуғурчуқ чуғурлаб дунёни бузар.
Тулки ўз овини зимдан кузатар,
Қалдирғоч айланиб аҳиллик тузар.

Бўри сўлақларин оқизиб келар,
Куён қўрқанидан чопқиллаб кетар.
Кийик ўз боласин этади огоҳ,
Осмондан бир зумда ёмғир қуйилар.

Хурсанд бўлар ўлжасин ушлаган тулки,
Ўшқирар дод солиб ғазабдан бўри.
Қалдирғоч шукр этар қаноти учун,
Осмонда қўйилмаган қопқоннинг тўри.

Бирдан кун ёришиб қуёш чиқади,
Гуллар турфа хилда ҳидин таратар.
Ариқда жилдираб сувлар оқади,
Ёмғир кўк юзининг ғуборин артар.

Дунёда кўпайсин қалдирғоч, кийик,
Илоҳим камайсин бўри-ю тулки.
Ариқдаги сувлар лойланмасин ҳеч,
Янграсин дилларда табассум, кулги.

ИНСОНЛАР

Инсонлар бор, ширин сўзга зор,
Инсонлар бор, кўнгиллари тор.
Инсонлар бор, бахтга доим ёр,
Инсонлар бор, беришар озор.

Инсонлар бор, меҳр-ла боқар,
Инсонлар бор, аҳдидан қайтар.
Инсонлар бор, ордан тош отар,
Инсонлар бор, сир айтсанг сотар.

Инсонлар бор, борлигинга дўст бўлади,
Инсонлар бор, ширин ошга захар қўшади.
Инсонлар бор, ғамга ботсанг қувнаб яшайди,
Инсонлар бор, оёғинга қопқон қўяди.

Инсонлар бор, бошингни силаб қўяди,
Инсонлар бор, чин юракдан севиб яшайди.
Инсонлар бор, балчиқни бетга сачратар,
Инсонлар бор, ўз манфаатин кўзлаб сўзлайди.

Инсонлар бор, яхши-ёмон кунга ярайди,
Инсонлар бор, кўзин сузиб алдайди.
Инсонлар бор, ёнингда туриб мақтайди,
Инсонлар бор, асли билан қарайди.

ЮРТИМ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ватанимнинг шуҳратисиз, шонисиз,
Она юртнинг забардаст ўғлонисиз.
Ишончимиз, чегарамиз посбони,
Юртимиз, элимиз қалқонисиз.

Сиз борсизки, осойишта, тинч ҳаёт,
Халқимиз ҳам хотиржамдир, юрт обод.
Сизга атаб ёзилгандир шеър, баёт,
Сиз бизларга зўр ифтихор, ҳам нажот.

СЕНИ КУТГУМ

Оллоҳ берди қалбимга ўзга бир туйғу,
Шу туйғу ёндириб куйдирар хануз.
Афсус, эшик қоқди севгимга ҳижрон,
Энди қалбим йиғлар садосиз, унсиз.

Балки бу ҳижрон ўти синовдир менга,
Тушгани айрилиқ куни бошимга.
Нетайин, сабрдан ўзга илож йўқ,
Кўмилиб кетсам ҳам оққан ёшимга.

Бизни ажратолмас дайди шамоллар,
Сира ғов бўлолмас айрилиқ, ҳижрон.
Бу тақдир бошимга нелар солса ҳам,
Сендан воз кечмагум билки, ҳеч қачон.

Бир кун висолингга етгум, биламан,
Ҳижронлар ўтади, армонлар ўтар.
Доим қулоғимда янграйди бир сўз,
Севган одам токи ўлгунча кутар.

Шундай кун келади, бўламиз бахтли,
Ҳатто фаришталар бахт тилар бизга.
Умидлар, орзулар ушалар бари,
Барча ҳавас қилар бу бахтимизга.

Кўзимиздан оқар қувонч ёшлари,
Бизнинг юлдузимиз турар чарақлаб.
Иккимиз яшаймиз бир-биримизни,
Худди қорачиғдек севиб, ардоқлаб.

УСТОЗИМ ХОТИРАСИГА

Энди сиз йўқдирсиз фоний дунёда,
Соғинч япроқлари дилимда қат-қат.
Жойингиз жаннатда бўлсин илоҳим,
Сиз азиз устозим, мўътабар хилқат.

Сиз йўқсиз, лек бунга ишонгим келмас,
Наҳотки кетдингиз айтмайин бир сўз.
Юрагим ўксиниб, ўксиб йиғларман,
Ҳатто тушларимга бир бор кирмайсиз.

Дуойингиз олмай босмадим қадам,
Панду ўгитингиз жон дилим эди.
Сиз каби бебаҳо доно устозни,
Наҳот фоний дунё ортиқча билди.

Ўзгача эдингиз, ўзгача инсон,
Сизда бисёр эди меҳру муҳаббат.
Ўрнингизни босолмас ўзга бир инсон,
Сиз азиз устозим, мўътабар хилқат.

Қабрингиз нур бўлсин, руҳингиз ҳам шод,
Гулларга буркансин жой, маконингиз.
Сизни хотирлаб шу шеърни битган,
Ўша шўху шаддод Гулбахорингиз.

КЎЗ ЁШЛАРИМ

Ёлғизгинам, сени ойдан қизғонардим,
Қизғонардим, ҳатто рашқдан ёнардим.
Сени фақат бир ўзимга ишонардим,
Қаёқларга кетдинг жоним, кўзим ёшлаб.

Яшаяпман армонларнинг кучоғида,
Ҳижрон ўтин аламли бир қийноғида.
Тушларимга кирмаяпсан тун чоғида,
Қаёқларга кетдинг жоним, кўзим ёшлаб.

Сабр этгин Гулбаҳор, деб яшаяпман,
Гоҳо йиғлаб, гоҳ овуниб яшаяпман.
Дунёсидан совиб-совиб яшаяпман,
Қаёқларга кетдинг жоним, кўзим ёшлаб.

ҲИЖРОН

Орзулар кўп жоним, етишмоқ мушкул,
Нетай, айрилиқни ёзмишдир Оллоҳ.
Лек мен сабр қилгум, кутгумдир сени,
Севиб унутмоқлик - бу албат гуноҳ.

Нигоҳинг кўраман кўзим юмганда,
Шарпадек юрасан ортимдан унсиз.
Гоҳ хурсанд кулсам, гоҳида ғамгин,
Сўзласам, сўзларим қолур жавобсиз.

Зор йиғлаб қарайман нигоҳларингга,
Лек сен йўқоласан бирдан шу онда.
Бунчалар ёндириб куйдирма ахир,
Севги ҳижронидан айрилгум ўздан.

ЁШЛИГИМИЗ ҚАЙТМАЙДИ СИРА

Кеча эдик бизлар қувноқ болалар,
Мана бугун улғайиб етдик вояга.
Қарангки, ўтибди орадан йиллар,
Дўстлар, ёшлигимиз қайтмайди сира.

Кечагидек ёдимда, ёдимда ҳамон,
Биринчи синфга қадам қўйганим.
Жажжи қўлларимга ручкани тутиб,
Алифбо сирларин такрор этганим.

Йиллар ҳам ўтдилар бир-бирин қувиб,
Ёшлигимиз йиғлаб кузатди орtdан.
Бир пастда мактабни битириб қўйдик,
Дўстлар, ёшлигимиз келмас қайтадан.

Фалакнинг палахмон тоши сингари,
Ҳамма ҳар тарафга улоқиб кетар.
Кўришганда кўзлар ёшларга тўлиб,
Ёшлигимиз эслаб кўнгил энтикар.

Дўстлар ғаниматдир, дунё ғанимат,
Яхши билан ўтган ҳар дам ғанимат.
Дўстларим, дунёнинг ўзи ғанимат,
Дўстлар, ёшлигимиз қайтмайди сира.

АЙТГИН

Не ҳожат аслида кўркам гўзаллик,
Кўзни қамаштирган чиройли хусн.
Бошингга балолар ёғдирар билгин,
Юсуф ҳам қийналган, буни ёд этгин.

Чиройинг бўлсаю, бахтинг бўлмаса,
Бойлигинг бўлсаю, тахтинг бўлмаса,
Инсонман десанг-у аҳдинг бўлмаса,
Яшашингдан не маъно борлигин айтгин.

Айб иш қилганда бошинг эгмасанг,
Ўзгалардан доим олсанг аламинг.
Инсонлар ортидан ҳасад-ла боқсанг,
Яшашингдан не маъно борлигин айтгин.

Нодоннинг айбини кечиролмасанг,
Яхшилар қадрини англаб етмасанг.
Дўст билан душманни ажратолмасанг,
Яшашингдан не маъно борлигин айтгин.

Донолар ўгитидан маъно чақмасанг,
Яхшилик уруғин эка олмасанг.
Ҳаётда улуғ ном қолдиролмасанг,
Яшашингдан не маъно борлигин айтгин.

ҚАЛБИМДАГИ СЕВГИ

Шу митти қалбимга жо бўлган севгим,
Сени фалаклардан бермишдир менга.
Ёндириб кўксимни кул қилди ишқинг,
Қачон бахтим кулиб етарман сенга.

Кўзларимга жо бўлмиш сенинг сувратинг,
Юракка битилган ягона исминг.
Ишон, сен ўзингсан мангу қуёшим,
Қунимда, тунимда ёдимдасан сен.

Сен ила юракка тўлади севинч,
Қалбимда уйғонар нурли туйғулар.
Гулини шод этгин, қувончлар бергин,
Дилин обод этсин мангу кулгулар.

ЖАЖЖИ МАРЖОНА

Уйимиз қувончи жажжи Маржона,
Кўзлари мунчокдек боқур ҳар ёна.
Жуда ҳам эркатой, жуда ёқимтой,
Сўзлари маъноли доно Маржона.

Умиджоннинг шодлиги-ю қувончи,
Отасининг, онасининг ишончи.
Қароғидан ёш оқмасин бир томчи,
Дардларингга бўлай дармон, Маржона.

Сўзлаганда бийрон-бийрон шод бўлиб,
Қалблар кетар буткул севинчга тўлиб.
Яшайверсин меҳрларга кўмилиб,
Қўғирчокдек гўзал, жажжи Маржона.

МЕН ХАФА ЭМАСМАН

Қалбимга инсонлар озор берса ҳам,
Аламлар кўрсам ҳам яқин кишимдан.
Сукунат киради қалбимга оро,
Мен хафа бўлмайман ўз тақдиримдан.

Гийбат ботқоғига ботганимда ҳам,
Беғуноҳ гуноҳкор бўлганимда ҳам,
Душман тухмат тошин отганида ҳам,
Мен хафа бўлмайман ўз тақдиримдан.

Одамзот яралган азалдан шундай,
Баъзан кундузлари бўб қолар тундай.
Севинч тарқаб кетар худди тутундай,
Мен хафа эмасман ўз тақдиримдан.

Кун келар, мен шунга ишонгум албат,
Фош бўлиб ёлғонлар кулар ҳақиқат.
Мен ўша кунда ҳам жим туриб фақат,
Ҳеч хафа бўлмайман ўз тақдиримдан.

МУНДАРИЖА

Ўзбек иймони.....	3
Муҳаббат.....	4
Муқаддас аёл.....	5
Нақшбандий.....	6
Бобом Машраб.....	7
Ажиб дунё.....	8
Зулфияхоним хотирасига.....	9
Қаламим.....	10
Қалбимнинг баҳори.....	11
Ойижонимга.....	12
Соғинч.....	13
Она сути.....	14
Ранг-баранг дунё.....	15
Инсонлар.....	16
Юртим ҳимоячилари.....	17
Сени кутгум.....	18
Устозим хотирасига.....	19
Кўз ёшларим.....	20
Ҳижрон.....	21
Ёшлигимиз қайтмайди сира.....	22
Айтгин.....	23
Қалбимдаги севги.....	24
Жажжи Маржона.....	25
Мен хафа эмасман.....	26

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Юлдошева Гулбаҳор

ҚАЛБИМ БАҲОРИ

Шеърлар

Муҳаррир: З.Омонова.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусахҳих: З.Очилова.

Бадий безакчи: Ж.Норқобилов.

ИБ 1035

Теришга 14.06.2006 йилда берилди. Босишга 30.06.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Шартли босма табоғи 1,47. Шартли бўёқ-оттиск 1,53. Нашр босма тобоғи 0,70. 38-2006-шартнома. 90- буюртма. 100 нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Матбуот ва ахборот бошқармаси «Матбаа» цехида чоп этилди.

730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.